

CENTRAL  
ASIAN  
RESEARCH  
JOURNAL FOR  
INTERDISCIPLINARY  
STUDIES

WE ARE ALWAYS WITH YOU



CYBERLENINKA

EXACT SCIENCES  
NATURAL SCIENCES  
TECHNICAL SCIENCES  
PEDAGOGICAL SCIENCES  
MEDICAL SCIENCES  
SOCIAL AND HUMANITARIAN  
SCIENCES



SCAN ME

**CENTRAL ASIAN  
RESEARCH JOURNAL FOR  
INTERDISCIPLINARY  
STUDIES (CARJIS)**

**ISSN: 2181-2484**

**VOLUME 1 | ISSUE 2 | 2021**

**carjis.org**

## **TA'LIM JARAYONIDA INNOVATSION PEDAGOGIK KLASTER TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI**

**Javlonbek Soatboy o'g'li Xudoyberganov**  
Chirchiq davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

**Vazira Asrorjon qizi Qahramonova**  
Chirchiq davlat pedagogika instituti “Jismoniy madaniyat” ta'lif yo'nalishi  
2-kurs talabasi

### **ANNOTATSIYA**

Biz ushbu maqolamizda pedagogik ta'lif klasterining ta'rif va tavsifini bayon qilishni va unga ilmiy-pedagogik muammo sifatida jamoatchilikning e'tiborini qaratishni maqsad qilganimiz. Bugungi kunda oliv ta'lif tizimida shunday yangi mexanizm yaratilishi hayotiy zaruratga aylandiki, unda ta'lif turlari o'rtaida o'zaro nazorat ham, raqobat ham, manfaatlarning qondirilishi ham ta'minlanishi zarur.

**Kalit so'zlari:** Pedagogika, uzluksiz ta'lif, klaster tizimi, innovatsiya, bilim, ko'nikma, malaka.

### **KIRISH**

Oliy ta'lifning jamiyat barqaror rivojlanishidagi yuqori ijtimoiy ahamiyatidan kelib chiqqan holda zamonaviy talablar, tizimdagи muammolar va ularni hal qilishda ta'lif, fan va ishlab chiqarish tarmoqlari o'rtaida tarqoqlik bugungi kunda uzluksiz pedagogik ta'lifni klaster rivojlanish modeliga o'tkazish zaruratini taqozo etmoqda. Fan va ta'lifning ishlab chiqarish bilan uyg'unligi barcha sohalardagi taraqqiyotni ta'minlaydi. Bu borada tabiiyki, fan, ta'lif va ishlab chiqarishning integratsiyasi muhim va dolzarb vazifa. Bu esa o'z-o'zidan innovatsion klasterga yo'l ochadi. Davlatimiz rahbari Shavkat Miromonovich Mirziyoyev 2017 yil 10-11 mart va 2018 yil 16-17 fevral kunlari xalq bilan muloqot qilish hamda joylarda amalga oshirilayotgan islohotlar bilan tanishib, Buxoro viloyatiga tashrifi chog'idagi “Paxta va to'qimachilik klasteri” loyihasini tashkil etish g'oyasini olg'a surdi. Unda O'zbekistonda klaster tizimi asosida ishlab chiqarishni tashkil etishning ilmiy asoslari ko'rsatib berilgan. Darhaqiqat, so'nggi vaqtida innovatsion klaster tizimi barcha sohalarga shiddat bilan kirib bormoqda. Jumladan, ta'lif tizimida ham klaster

mavjud. Bu esa shaxsni kamol topishi va yetuk kadr bo‘lishiga qaratilgan bo‘lib, uning bog‘liqligi – mактабгача, umumiy o‘rta maktab, akademik litsey, kasb-hunar kolleji, oliy o‘quv yurti, doktorantura, malaka oshirish kabi jarayonlarni qamrab oluvchi butun umr davomidagi ta’lim zanjirini bir-biriga bog‘langanidir.

## **ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR**

Shuning uchun ham yurtboshimiz hozirgi kunda milliy iqtisodiyotimizni “Klaster usuli”da rivojlantirish bo‘yicha qo‘ygan maqsad va rejasiga asoslangan holda OTM va boshqa o‘quv yurtlarida “Raqobatbardosh kadr tayyorlash klasteri”larini tashkil etish hozirgi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Jamiyatimiz rivojlanishining chuqur ijtimoiy va iqtisodiy o‘zgarishlar ro‘y berayotgan hozirgi bosqichida talabalarga ta’lim-tarbiya berish sifatini oshirish yo‘llari va vositalarini izlab topish zamonaviy pedagogikaning dolzarb vazifalaridan biri bo‘lib qolmoqda. Chunki, ta’lim, ilm-fan har qanday jamiyat, millat va davlatning kelajagini belgilab beradigan, uning taraqqiyotiga xizmat qiladigan muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. O‘zbekistonda olib borilayotgan ta’lim sohasidagi islohotlar bevosita uning demokratik, bozor munosabatlariga o‘tish jarayoni bilan birgalikda amalga oshirilmoqda. Bugungi kun yoshlarini yangicha ijtimoiy muhitga tayyorlash, davr ruhida tarbiyalash, ta’lim sohasini isloh qilish, tizimni tubdan takomillashtirish, xususan, tizimga rivojlangan xorijiy mamlakatlar tajribasini tatbiq etish g‘oyasi kun tartibidagi dolzarb va ustivor vazifalaridan biri sifatida davlatimiz rahbari tomonidan ta’kidlanib kelinmoqda. Shuning uchun ham Respublikamizda oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida aholining oliy ta’lim bilan qamrov darajasini oshirish, xalqaro standartlar asosida yuqori malakali, kreativ va tizimli fikrlaydigan, mustaqil qaror qabul qila oladigan ma’nан yetuk va jismonan barkamol yosh kadrlar tayyorlash, ularning intellektual qobiliyatlarini namoyon etishi va ma’naviy barkamol shaxs sifatida shakllanishi uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish oliy ta’lim tizimini rivojlantirishning strategik maqsadlari va ustivor yo‘nalishlaridan biri deb belgilab qo‘yilgan.

## **MUHOKAMA VA NATIJALAR**

Bundan tashqari O‘zbekiston Respublikasining ta’lim tizimini tubdan takomillashtirish, yetuk mutaxassislar tayyorlashning optimal yo‘llarini aniqlash, ayniqsa, pedagog kadrlarning kasbiy malakalari va bilim saviyasini uzluksiz yuksaltirish orqali yuqori malakali kadrlar tayyorlash sifatini oshirish, ilm fan va

ishlab chiqarish integratsiyasini kengaytirishga bo‘lgan e’tiborlarini har qadamda his qilib turibmiz. Ayniqsa, muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev O’zbekiston Milliy universitetida ilm-fan namoyondalari bilan uchrashib, oliy ta’lim sohasini yanada rivojlantirish, kadrlar sifatini oshirish, ilm-fan va ishlab chiqarish integratsiyasini kengaytirish bo‘yicha amalga oshirilishi rejalashtirilayotgan pedagogik ta’limning yangi modelini joriy etish bo‘yicha muhim ko‘rsatmalari oliy ta’limda amalga oshirilishi lozim bo‘lgan islohotlar uchun muhim turtki bo‘ldi desak adashmaymiz. Shundan kelib chiqib, milliy an’analar, urf odatlar, turmush tarzi kabi o‘ziga xos shart-sharoitlari xususiyatlarini hisobga olgan holda ta’lim tizimining butunlay yangi o‘ziga xos modelini ishlab chiqish vazifasi Respublikamizdagi eng dozarb masalalardan biri sifatida kun tartibiga qo‘yildi. Umumjahon mehnat bozoridagi yuzaga kelgan yangi bozor talablari respublikamiz ta’lim tizimini rivojlantirishning ham asosiy yo‘nalishlarini belgilab berdi. Klaster shunday tizimki, uni tashkil qiluvchi komponentlarning integratsiyasi har bir subyektning yanada samaraliroq ishlashini ta’minlaydi va istisno buzilishlarga olib kelmaydi. Klaster bir qator ta’lim, ilmiy va ishlab chiqarish subyektlarining muayyan assotsiatsiyaga mexanik birlashishi emas, balki ularning o‘zaro yaqindan ta’siri va o‘zaro bog‘liqligi natijasida yuzaga keladi.

## XULOSA

Xulosa qilib aytganda tashkilot alohida komponentlar va butun klasterning konvertatsiya qilinishini ta’minlaydi. Klaster faoliyati yangi sifatli mahsulot yaratish imkonini beradi. Ta’limga nisbatan o‘ziga xos yangi yondashuv bo‘lgan klaster nafaqat hayot davomida ta’lim olish uchun shart-sharoitlarni ta’minlabgina qolmay, balki ta’limning uzlucksizligini ta’minlaydigan tarkibiy qismlar o‘rtasidagi mavjud va istiqbolli aloqalarni qayta tiklashga imkon beradi. Klaster mavjud intellektual resurslarni pedagogik ta’limni rivojlantirishning dolzarb muammolari atrofida integratsiyalash, pedagogik sohada oqilona vorisiylilik tamoyilini yo‘lga qo‘yish, manfaatdor shaxslarning qoniqish darajasi haqida tezkor fikr-mulohazalar bilan bo‘lajak o‘qituvchilarni amaliy yo‘naltirilgan holda tayyorlash bilan bog‘liq muhim masalalar atrofida faoliyat olib boradi.

## **REFERENCES**

1. Nurmatov Farkhat Abdualimovich. Khudoiberganov Javlonbek Saotboy oglu. IMPROVING THE QUALITIES OF PHYSICAL ENDURANCE IN STUDENT YOUTH. *Journal of Natural Remedies* Vol. 21, No. 12(2), (2021)
2. Kutlimurotovich, U. A. (2020). GENERAL PHYSIOLOGICAL PRINCIPLES OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(9), 2366-2371.
3. Бабажанова, В. А., Утепбергенов, А. К., Баймуратова, Г. А., & Ережепова, Г. Д. (2017). Исследование крепости телосложения (индекс Пинье) у юношей, проживающих в различных районах Приаралья. In *Инновационные технологии в образовании и науке* (pp. 11-14)..
4. Утепбергенов, А. К., Утенязова, Д. К., & Есенбекова, Э. Ж. (2017). Исследование экологических факторов в изменении антропометрических показателей у юношей в Республике Каракалпакстан. In *Инновационные технологии в образовании и науке* (pp. 16-18).
5. Kutlimurotovich, U. A. (2021). The Concept of The Management of Body Functions and Their Properties. *Organism and environment*.
6. Утепбергенов, А., & Кутлымуратов, М. (2016). ФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ НЕКОТОРЫХ КАРАКАЛПАКСКИХ НАРОДНЫХ ИГР. *Апробация*, (3), 88-90.
7. Kutlimurotovich, U. G. (2020). THE CLASSIFICATION OF NATIONAL MOVEMENT GAMES THAT TRAIN PHYSICAL QUALITIES AND WAYS TO TEACH THEM. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(8), 4-4.
8. Soatboy, O., Javlonbek, X., Shirinbekovich, K. V., & RoZmamatovich, A. A. (2019). Technique of improving the technical and tactical skills of national wrestlers. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 8(12), 58-61.
9. Xudoyberganov, J. S. (2020). Талабаларда жисмоний чидамлилик. *Таълим ва техналогия Илмий-услубий мақолалар тўплами*, 2(2), 104-106.
10. Adizov, B. R., Abdulahatov, A. R., Hudoyberganov, J. S., Yusupbaeva, A. S., & Mirahmedov, F. T. (2020). The Practical State of Teaching Physical Education in Higher Education Institutions. *TEST Engineering and Management*, 83, 628-631.
11. Абдулахатов, А. Р., Худойберганов, Ж. С., & Курбонова, М. Э. (2020). Образовательный кластер-как ресурс инновационного развития региона. *Музаллим ҳәм узликсиз билимлендирүү*, 1(1), 84-89.

12. Xudoyberganov, J. S. (2020). Kurashchilarining texnik-taktik mahoratini oshirish metodikasi. In *Dene tərbiyasy ҳәм sports of kalabalyқ rayazhlandyryy perspectives: mashala ҳәм sheshimler» atamasyndhy republicsқ online ilymiy-mely conference* (Vol. 1, No. 1, pp. 137-139).
13. Abdulaxatov, A. R., & Xudoyberganov, J. S. (2020). Scientific and pedagogical ways to instill in students the national and universal values through “kurash”. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(1), 44-47.
14. Худойберганов, Ж. С., & Хабибуллаев, С. Х. (2020). Спортда тарбия ва унинг хусусиятларини тарбиялаш йуллари (спорт уйинлари мисолида). *Муғаллим*, 7(1), 164-168.
15. Xudayberganov, J. S., Xabibullaev, S. X., & Madyarova, M. M. (2020). Method of development of physical qualities of the high school class wrestlers on kurash. *International Journal on Integrated Education*, 3(3), 169-173.
16. Mamatkulov, R. S., Khudoyberganov, J. S., Yusupbaeva, A. S., & Umaralieva, D. U. (2020). Features of formation of readiness of future teachers for innovative activity by means of information technologies. *International Journal for Advanced Research in Science & Technology*, 10(06), 1-3.

## XX АСР ЎЗБЕК ТАРЖИМАШУНОСЛИГИ МОХИЯТИ

Одилжон Мамадиевич Сафаров

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети  
доценти, филология фанлари номзоди

[osafar@mail.ru](mailto:osafar@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақола XX аср ўзбек таржимашуносигига бағишиланган. Унда ўтган аср охиригача Ўзбекистонда таржима илми соҳасида амалга оширилган ишлар, уларнинг мазмуни ва мохияти ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Таржимашунослик, таржима илми, таржима назарияси, таржима санъати, таржима тарихи, таржима амалиёти, бадиий таржима, қиёсий адабиётшунослик, қиёсий тилшунослик.

### ABSTRACT

The article is dedicated to uzbek Translatology of the XX century. In it we are talking about the works in Uzbekistan on science of translation until the end of last century, about their content and substance.

**Keywords:** Translatology, science of translation, translation theory, the art of translation, history of translation, the practice of translation, literary translation, comparative literature, comparative linguistics.

### КИРИШ

Таржима масалаларини илмий ўрганишга эҳтиёж хар доим бўлган. Бунинг имкониятлари эса, турли сабабларга кўра, ҳамма замонларда бўлган эмас. Шу боис таржима илми жаҳон миқёсида фан сифатида шаклланиши асосан XX асрга, аниқроғи, унинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Ўшанда **таржима назарияси** деб аталган бу илм жаҳоннинг саноқли мамлакатларидаги олий ўқув даргоҳларидаги фанлар қаторидан ўрин олган. Бу ўша мамлакатларда бу соҳага **эътибор** қай даражада эканлиги билангина эмас, балки у бўйича фаолият юритадиган **мутахассислар** бўлиши билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган. Масалан, бизнинг юртимиз Ўзбекистонда бу ишлар **қачон** бошлангани, **қай тарзда** кечгани ва улар **кимлар** томонидан амалга оширилгани кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Булардан хабардор бўлиш, хар кимга **ўзбек таржимашуносиги**, унинг жаҳон таржимашуносигидаги **ўрни**, **ютуқ** ва **камчиликлари** ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имкониятини бериши билан бирга, республикамиздаги

таржима илмига оид ишларни **мантикан тўғри** ва **изчили** тарзда ташкил этиш имконини ҳам бериши мумкин. Шу нуқтаи назардан номи юқорида қайд этилган мавзу **долзарб** аҳамиятга эга.

Ундан кўзланган **мақсад** – XX асрда ўзбек таржимашунослигида амалга оширилган ишларни ва уларнинг моҳиятини илмий асосда очиб бериш.

Бу борада мулоҳаза юритишдан олдин қайд этиш лозимки, 1951- йилнинг **декабрида** Москвада собиқ иттифоқ мамлакатлари **таржимонлари кенгаси** бўлиб ўтади. Унда асосий эътибор таржима назарияси **амалиётдан** анча ортда қолаётгани, таржималар сифатига **салбий** таъсир қилаётгани туфайли, таржима ишларини **илмий** асосга кўчириш **йўлларини** топиш кераклиги масаласи ўртага ташланади.

Шу кенгашда кўрилган масалалар, нафақат собиқ иттифоқ мамлакатлари вакилларда, балки хорижий мамлакатлардан таклиф этилган **олимлар**, ёзувчи ва **шоир–таржимонларда** ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Шундай қилиб, жаҳон миқёсида таржима масалаларини ҳар қачонгидан жиддийроқ ўрганишга эътибор берила бошлайди, **газета** ва **журналларда** таржимага оид мақолалар чоп этилиши кўпайиб кетади.

Ўша пайтлардаги юз берган муҳим воқеалар эса қуйидагилар:

1. 1953-йилда рус олими Андрей Венедиктович Фёдоров «**Введение в теорию перевода**» (Таржима назариясига кириш) китобини нашр эттирган ва унинг бир нечта нусхасини хорижлик ҳамкорларига, жумладан, Францияга ҳам юборган. Таржима илми бўйича сабоқ беришга мўлжалланган бу китоб халқаро миқёсда катта шов-шувларга сабаб бўлган.

2. Шу (1953) йили Францияда **Халқаро Таржимонлар Федерацияси** ташкил этилган ва у жаҳон миқёсдаги таржима ишлари давомини кўтариш, таржима ишларини мувофиқлаштириш, таржимонларни рағбатлантириш каби масалалар билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйади.

Ўзбекистонда таржима масалаларини жиддий ўрганишга киришиш ҳам айнан шу пайтларга тўғри келади.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Ҳар бир юртда таржима ишларига эътибор қай тарзда йўлга қўйилгани, ўша юртда мазкур соҳа бўйича чоп этилган ишлар билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда XX асрнинг **биринчи** ярмида чоп этилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Масалан, 1932-йили Санжар Сиддиқ чоп эттирган “**Адабий таржима асослари**” китоби, ўша пайтдаги муҳим ишлардан биридир.

1936-йили мазкур китоб муаллифи уни қайта ишлаб ва тўлдириб “**Адабий таржима санъати**” сарлавҳаси остида чоп эттирган.

1936-йилда «Литература и искусство Узбекистана» газетасининг 4-сонида ёзувчи ва таржимон М. Салье «О художественном переводе» сарлавҳали мақоласини чоп эттирган. Ушбу мақола шу газетанинг 1939 йилги 5-сонида ҳам чоп этилган. Бу ҳол ўша пайтда Ўзбекистонда лотин ёзувидан кирилл ёзувига ўтилгани билан боғлиқ бўлган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

1946-йилда “Шарқ юлдузи” журналида Жуманиёз Шарипов (1911-2007) “Бадий таржималарга алоҳида эътибор берайлик” номли мақоласини чоп эттирган бўлса. 1947-йили Наби Алимухамедов унда “Таржима санъати тўғрисида баъзи мулоҳазалар” мақоласини чоп эттирган.

Албатта, булар XX асрнинг биринчи ярмида ҳам Ўзбекистонда таржима масалаларини ўрганиш бўйича муайян ишлар амалга оширилганидан далолат беради. 1951-йилда М. Салье ва Нинель Владимирова «Звезда Востока»нинг 11-сонида «О некоторых проблемах художественного перевода» деб аталган мақолани чоп эттиришган. Бунга худди ўша йили Москвада бўлиб ўтган кенгаш катта туртки бўлган бўлса, ажаб эмас.

Бу ҳол ўша пайтларда Ўзбекистонда ҳам таржима ишларини илмий асосга кўчиришга жиддий киришилганидан далолат беради ва худди шу ҳол икки фидойи ўзбек олимлари – Жуманиёз Шарипов ва Ғайбулла Саломов – амалга оширган ишлар орқали яққол намоён бўлади. Жумладан, Ж. Шарипов 1957 – йили «Некоторые проблемы художественного перевода» китобини, 1958-йилда «Некоторые проблемы поэтического перевода с русского на узбекский язык» монографиясини чоп эттиради ва шу мавзудаги номзодлик диссертациясини ҳам химоя қиласи (1958). 1959-йили унинг монографияси ўзбек тилида ҳам чоп этилади.

1961-йилда Ўзбекистонда соҳага оид яна икки муҳим воеа рўй беради:

1. F.Саломов (1932-2000) “Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир” китобини чоп эттиради.
2. “Таржима санъати” мақолалар тўпламининг 1-китоби нашр этилади.

Шу йили (1961) грузин олими Гиви Гачечиладзе Тбилисида «Проблемы реалистического перевода» мавзуидаги докторлик диссертациясини химоя қиласи ҳам эътиборга лойиқ. Бу иш ўшандаги таржима илмидаги катта шовшувларни ҳам келтириб чиқарганки, орадан кўп ўтмай, яъни 1962-йилнинг марта, Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги маҳсус қарор қабул қиласи. Унда республикамизда **малакали** таржимонлар тайёрлашга етарлича эътибор берилмаётгани таъкидланади ва таржима асарларига **муқаддима, сўнгсўз, илмий шарҳлар ёзишни тажрибали таржимонлар, ёзувчилар, адабиёт танқидчиларига** топшириш зарурлиги белгилаб қўйилади.

1964-йилда F. Саломов “Бадий таржиманинг лексика – фразеология масалалари. (ўрисчадан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни ўгириш

тамойиллари)" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган бўлса, 1965 йили Ж.Шарипов "Ўзбекистонда таржима тарихидан" китобини чоп эттиради. 482 бетли ушбу китобга F.Саломов муҳаррир сифатида 10 бетли муқаддима илова қилган.

Шундай қилиб, деярли бир вақтда бу икки фидойи олим Ўзбекистонда таржима илмини **шакллантириш ва тараққий эттириш** йўлида астойдил ва самарали меҳнат қилганлар. F.Саломов чоп эттирган қуйидаги китоблар ҳам бунга яққол мисол бўлиши мумкин:

"Ўрисчадан ўзбекчага бадиий таржиманинг баъзи масалалари хусусида" (1957), "Мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир" (1961), "Тил ва таржима" (1966), "Таржима назариясига кириш" (1978), "Адабий анъана ва бадиий таржима" (1980), "Таржима назарияси асослари" (1983), "Таржима ташвишлари" (1983), "Матн, таржима ва истилоҳ" (1989) сарлавҳали салмоқли китобларни F.Саломов шахсан ўзи тайёрлаган бўлса, "Таржима асослари"ни С.Аъзамов билан (1976), "Дўстлик кўприклари"ни Н.Комилов билан (1979), "Таржимон маҳорати"ни Н.Комилов, З.Салимова, К.Жўраев, Н.Отажонов билан (1979), "Жаҳонгашта "Бобурнома"ни (1996) Н.Отажон билан ҳамкорликда тайёрлаб нашр эттирган.

Яна айрим масалаларга аниқлик киритадиган бўлсак, 1965-йилнинг декабрида Республика хукумати **"Ўзбекистонда бадиий таржимани янада яхшилаш тадбирлари хақида"** қарор қабул қиласди. Унда шундай дейилади:

"1966-1967 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ҳамда Самарқанд давлат университетлари, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, Тошкент чет тиллар давлат педагогика институти ҳамда республика Рус тили ва адабиёти факультетлари ўқув планларига таржима назарияси курсини киритиш тўғрисида Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига кўрсатма берилди. Булардан ташқари ЎзР Фанлар академияси Тил ва адабиёт илмий текшириш институти хузурида таржима назарияси сектори, кейинчалик, Тошкент Давлат университети журналистика факультети қошида таржима назарияси кафедраси ташкил этиш зарурлиги қайд қилинди.

1967 йилдан бошлаб ҳар йили таржима назарияси бўйича аспирантурага иккитадан ўрин ажратиладиган ҳамда илмий ходимларни мамлакатимизнинг марказий шаҳарлари ва иттифоқдош республикалар пойтахтларида бадиий таржима соҳасида ортирилган тажрибани ўрганиш учун юбориб туриш белгиланди. Шунингдек, ЎзР Фанлар академияси Президиуми ҳамда республика Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Матбуот давлат комитетига 1967 йилдан эътиборан **"Таржима санъати"** номли йиллик илмий танқидий мақолалар тўпламини мунтазам нашр қилиб бориш вазифаси юклатилди" [9:29-30].

Шу қарорда **ўзбек тилининг изоҳли луғати** йўқлиги, бадиий таржималар сифатига салбий таъсир қилаётгани ва бу муаммони кечиктирмасдан ҳал қилиш кераклиги ҳам қайд этилган. Бироқ турли сабабларга кўра, унда кўрсатилган барча масалаларни **ўз вақтида** рўёбга чиқариб бўлмаган. Масалан, таржима илми бўйича биринчи кафедра ТошДУнинг журналистика факултетида 1966 ёки 1967 йилда эмас, 1969 йилнинг қузидаги ташкил этилган. **Таржима назарияси ва таҳрир-нашириёт ишлари** кафедраси деб аталган ушбу кафедрани тузишда, F.Саломов фаол иштирок этган. Унинг дастлабки мудири ҳам шу ёш таржимашунос олимнинг ўзи бўлган.

**Қиёқий-тариҳий** усулни қўллаш орқали, биринчидан, номлари юқорида қайд этилган икки ўзбек таржимашуносидан қай бири мазкур соҳага кўпроқ ва салмоқлироқ ҳисса қўшганликларини, улардан хар бири амалга оширган ишларнинг моҳиятини атрофлича тушуниш, шунингдек улар амалга оширган ишлар жаҳон таржимашунослигига қандай мавқега эга бўлиши мумкинлиги ҳақида анча тасаввурга эга бўлиш мумкин.

## НАТИЖАЛАР

Табиийки, ўша пайтларда бирор олий ўқув даргоҳида **таржима назарияси** кафедрасини очиш учун, биринчи навбатда, соҳа бўйича етук мутахассислар керак бўлган. Шу боис Ўзбекистонда таржима илмига оид бошқа кафедралар кейинроқ очилган. “**Таржима санъати**” тўпламишининг 2-китоби 1973-йилда чоп этилган, “**Ўзбек тилининг изоҳли луғати**” эса 1981-йили Москвадаги «Русский язык» нашриётида икки жилда нашр этилган.

F.Саломов ТошДУдаги кафедрага мудирликни бошлишидан уч йил олдин (1966) 385-бетли “**Тил ва таржима**” сарлавҳали салмоқли монографиясини чоп эттирган. Унга Олим Усмон билан Ж.Шарипов муҳаррирлик қилишган.

Шу ўринда рус адиби, адабиётшуноси ҳамда бадиий таржима назарияси тарафдори В.Россельс чех олими Иржи Левийнинг «Искусство перевода» китобига ёзган сўзбошисида ўзбек таржимашунослигидаги ишларни қуйидаги тарзда эътироф этгани эътиборга лойик:

«Помимо исконных культурных метрополий Москвы и Ленинграда, теоретические центры возникли в Киеве, Тбилиси, Ташкенте и др., как это можно было наблюдать, например, на самом содержательном изо всех имевших место симпозиумов по художественному переводу в Москве весной 1966 года» [2:31].

Бу эътирофга асосий сабаблар, F.Саломовнинг “**Тил ва таржима**” (1966) китоби ҳамда Ж.Шариповнинг «**Ўзбекистонда таржима тарихидан**» (1965) монографияси бўлган. Жумладан, шу китобга, унинг муҳаррири сифатида, ёзган муқаддимасида, F.Саломов унинг моҳиятини шундай тавсифлайди: